

Ахборот технологиялари ва  
коммуникацияларини ривожлантириш  
вазирлигининг 2020 йил “23” декабрдаги  
685 - сон буйруғига  
1-ИЛОВА

**Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини  
ривожлантириш вазирлиги стипендиясини тайинлаш тартиби түғрисида  
НИЗОМ**

1. Мазкур Низом Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 1 майдаги 318-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги түғрисида низом”га мувофиқ соҳа таълим муассасаларининг талаба ва ўқувчиларига Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг стипендияси (кейинги ўринларда – Вазирликнинг стипендияси) ни тайинлаш ва тўлаш тартибини белгилайди.

2. Вазирлик стипендияси ўқишида, илмий изланишларда ҳамда ижтимоий ҳаётда муваффақиятларга эришган Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети (ТАТУ) ва унинг филиаллари, Тошкент шаҳридаги Инха университети, Тошкент шаҳридаги Амити университети бакалавриатура талabalari ҳамда ТАТУ ва унинг филиаллари хузуридаги техникумлар, академик лицейларнинг ўқувчилари учун Вазирлик Тармоқ илмий-техник кенгаши қарори асосида Вазирликнинг буйруғига мувофиқ тайинланади.

3. Ҳар ўқув йилида Вазирлик стипендияси квотаси таълим муассасалари бўйича қуидагича тақсимланади:

ТАТУга – 5 та;

ТАТУ филиалларининг ҳар бирига 2 тадан;

Тошкент шаҳридаги Инха университети – 3 та;

Тошкент шаҳридаги Амити университети – 3 та;

ТАТУ ва унинг филиаллари хузуридаги техникумлар ҳамда академик лицейларнинг ҳар бирига 1 тадан.

4. Вазирлик стипендияси:

Вазирлик стипендиясининг бир ойлик миқдори ТАТУ ва филиаллари, Тошкент шаҳридаги Инха университети ҳамда Тошкент шаҳридаги Амити университети талabalari учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 5,0 баробари, ТАТУ хузуридаги техникумлар ва ТАТУ қошидаги академик лицейларнинг ўқувчилари учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 2,0 баробари миқдорида белгиланади.

Тошкент шаҳридаги Инха университети ва Тошкент шаҳридаги Амити университети талabalariнинг тўлов-шартнома асосида белгиланган тўлов миқдоридан сарҳисоб қилиб берилиши мумкин.

5. Голиблар Вазирлик стипендияси соҳиби эканлигини кўрсатувчи маҳсус сертификат билан тақдирланадилар.

**6. Вазирлик стипендиялари Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамгармаси маблағлари ҳисобидан қолданади.**

**7. Вазирлик стипендиясига ТАТУ ва унинг филиаллари, Тошкент шаҳридаги Инха университети, Тошкент шаҳридаги Амити университети бакалавриатура талабалари ҳамда ТАТУ ҳузуридаги техникумлар ҳамда ТАТУ ва унинг филиаллари қошидаги академик лицейларнинг ўқувчилари даъвогар бўлишлари мумкин.**

ТАТУ ва унинг филиалларида таълимнинг кредит тизимида таҳсил олаётган талабалари учун ўқув йили якунига (иккала семестр натижаларига) кўра, ўртача ўзлаштириш бали (GPA) 3,95 баллдан юқори бўлиши лозим.

Тошкент шаҳридаги Инҳа университети талабалари учун ўқув йили якунига (иккала семестр натижаларига) кўра, ўртача ўзлаштириш бали (GPA) 3,5 баллдан юқори бўлиши лозим.

Тошкент шаҳридаги Амити университети талабалари учун ўқув йили якунига (иккала семестр натижаларига) кўра, ўртача ўзлаштириш бали (GPA) 7,8 баллдан юқори бўлиши лозим.

ТАТУ ҳузуридаги техникумлар ҳамда ТАТУ ва унинг филиаллари қошидаги академик лицейларнинг ўқувчилари учун ўқув йили якунига (иккала семестр натижаларига) кўра, фанлардан олган баҳолари “аъло” ва “яхши” бўлиши лозим.

**8. Президент стипендияси ва номли Давлат стипендиялари, шунингдек Муҳаммад ал-Хоразмий стипендияси совриндорларига бир йилда Вазирлик стипендияси тайинланишига рухсат берилмайди.**

**9. Иқтидорли ўқувчи ва талабалар учун саралаш танловининг шаффоғлиги ва очиқлигини таъминлаш мақсадида, Вазирлик стипендиясига талабгор бўлиш онлайн тарзда амалга оширилади. Бунда Вазирлик расмий сайтидаги маҳсус саҳифа орқали барча хужжатлар онлайн тақдим этилади.**

**10. Вазирлик стипендияси тўғрисидаги барча маълумотлар Вазирлик ва ўқув муассасалари веб-сайтига жойлаштирилиши ҳамда ижтимоий тармоқларда ёритиб борилиши лозим.**

**11. Таркиби Вазирлик буйруғи билан тасдиқланадиган Ишчи гурӯҳ иқтидорли талабаларни ажратиб олиш учун номзодлар хужжатларини атрофлича ўрганиб чиқади ҳамда ўрганиш натижаларини қарор қабул қилиш учун Тармоқ илмий-техник кенгаши кун тартибига киритади.**

**12. Ишчи гурӯҳ:**

Вазирлик марказий аппарати ҳамда тизимдаги корхона ва ташкилотлар мутахассисларидан иборат таркибда тасдиқланади ва жамоатчилик асосида доимий фаолият юритади;

Вазирлик стипендияси талабгорларининг хужжатларини ўрганиш ва саралаш билан шуғулланади;

талабгорларни иловадаги жадвалга мувофиқ кўрсаткичлар бўйича баҳолайди ҳамда зарур ҳолларда улар билан сұхбат ўтказади.

**13. Вазирлик стипендиясини тайинлашга талабгорлар томонидан онлайн тарзда қўйидаги хужжатлар тақдим этилади:**

номзоднинг рейтинг (синов) дафтарчаси нусхаси;

Тошкент шаҳридаги Инҳа университети, Тошкент шаҳридаги Амити университети ҳамда ТАТУ ва унинг филиалларида таълимнинг кредит тизимида таҳсил олаётган талабалари учун ўрнатилган тартибда ўртacha ўзлаштириш бали (GPA) тўғрисидаги маълумотнома;

талабгор таълим муассасаси раҳбарияти томонидан талабанинг Вазирлик стипендиясига лойиқлигини тавсифловчи тавсияномаси. Тавсиянома талабгорнинг илмий раҳбари ёки Вазирлик тизимидағи соҳа корхоналари раҳбариятидан ҳам бўлиши мумкин;

номзоднинг эришган ютуқлари, хизматларини ҳамда чет тилини ўзлаштирганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси (фахрий ёрлиқ, диплом ва сертификат каби ҳужжатлар фақат талабгор ўқиш даврида қўлга киритган бўлган ҳолда қабул килинади);

илмий конференция ва семинарларда иштирок этган маъруза тезислари, илмий журналларда чоп этилган мақолалари нусхаси;

номзоднинг ўзига оид унинг мақсадлари, шунингдек нарса ва ҳодисаларга субъектив фикрлари баён этилган эркин мавзуда эссе;

илмий ва инновацион ишлари нусхалари, унинг бевосита ишлаб чиқиш ва яратишда иштирок этган ишланмалари, дастурлари ва бошқа қўшимча маълумотлар.

Вазирлик Ишчи гурухи зарур ҳолларда ҳужжатларнинг асл нусхаларини тақдим қилишни талаб этишга ҳақли.

14. Вазирлик стипендияси онлайн руйхатдан ўтиш ва ҳужжатларни қабул қилиш муддатлари Тармоқ илмий-техник кенгаши томонидан белгиланади. Вазирлик стипендиясини тайинлаш Президент стипендияси ва номли Давлат стипендиялари, шунингдек, Мухаммад ал-Хоразмий стипендияси совриндорлари аниқ бўлгандан сўнг амалга оширилади.

15. Вазирликнинг Ишчи гурухи талабгорларнинг ҳужжатларини атрофлича кўриб чиқади, лозим бўлганда улар билан юзма-юз ёки видеоконференция усулларида сұхбат ўtkазади ҳамда Вазирлик Тармоқ илмий-техник кенгашининг йиғилиши кун тартибига Вазирлик стипендиясини белгилаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш учун киритади.

16. Вазирликнинг Тармоқ илмий-техник кенгаши Вазирлик стипендиясини белгилаш тўғрисидаги масалани мухокама қиласди, қарор қабул қиласди ва қарор баёни нусхасини Вазирлик буйруғини қабул қилиш учун асос сифатида тақдим қиласди.

Тармоқ илмий-техник кенгашининг қарори яқуний ҳисобланади, апелляция қабул қилинмайди.

17. Вазирлик стипендиатлари Вазирлик буйруғи асосида тасдиқланади ва бир ўкув йили учун тайинланади.

Бир ўкув йили мазкур тартибга кўра, бир календарь йилининг сентябрь ойидан бошлаб, кейинги календарь йилининг июнь ойига қадар 10 ой деб белгиланади.

18. Вазирлик стипендияси тайинланган талаба ва ўкувчилар таълим муассасалари илмий, ўкув (педагогик) кенгашларининг йиғилишида

тантанали равища эълон қилинади. Ғолиблар ва уларнинг ишланмалари, илмий-ижодий ишлари тўғрисидаги маълумотлар Вазирлик ҳамда таълим муассасалари веб сайтларида, шунингдек ижтимоий тармоқларда кенг ёритилади.

19. Вазирлик стипендияси совриндорлари ўқув йили сўнгида ўқиш ва ижтимоий ҳаётдаги ютуқлари, амалга оширган ишлари тўғрисида ҳисобот тақдим қиласидар.

20. Стипендия совриндорлари таҳсил оладиган таълим муассасаларининг иқтидорли ўқувчи ва талабалар билан ишлаш бўлимлари томонидан стипендия совриндорларининг доимий фаолиятлари мониторингини амалга оширади. Совриндорларнинг ўқиш давомида ва ундан кейинги меҳнат фаолиятлари тўғрисидаги маълумотлар тизимли равища жамланиб, маълумот тайёрлаб Вазирлик Ишчи комиссиясига киритиб борилади.

21. Вазирлик стипендияси ғолиблари грант асосида хорижга ўқишга юборилаётган ёшлар гурухлари таркибига киритилишда устунликка эга бўладилар.

22. Вазирлик стипендияси тайинланган талаба ва ўқувчиларга кундалик дарсларни ўзлаштиришда, ўқув интизоми ва одоб-аҳлоқ қоидаларини бузган ва уларга нисбатан интизомий жазо чоралари қўлланган ҳолатларда таълим муассасасалари илмий, ўқув (педагогик) кенгашларининг мурожаатига кўра, Вазирлик томонидан стипендия берилиши тўхтатилиши мумкин.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини  
ривожлантириш вазирлигининг 2020 йил “13”  
декабрдаги 685-сон буйруғига  
2-ИЛОВА

**Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини  
ривожлантириш вазирлиги стипендиясига талабгорларни саралаш  
бўйича ишчи гурух**

- |                    |  |
|--------------------|--|
| 1. Қ.Юлдашев       | - Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг аграр соҳасини рақамлаштириш масалалари бўйича ўринбосари, Ишчи гуруҳ раиси; |
| 2. М.Мухитдинов    | - Ўзбекистон радиотехника, электроника ва алоқа илмий-техника жамияти раиси ўринбосари, Ишчи гуруҳ раиси ўринбосари;                                 |
| 3. Г.Курбанова     | - Иқтисодиёт ва тарифлар бошқармаси бошлиғи;   |
| 4. Ф.Арипжанов     | - Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи в.б.;  |
| 5. М.Юлдашев       | - Телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш бошқармаси бошлиғи в.б.;   |
| 6. Лавозим бўйича  | - Таълим муассалари билан ҳамкорлик бўлими бошлиғи;  |
| 7. Б.Абдуллаев     | - Тошкент шаҳридаги Амити университети бошқарув директори в.б.;  |
| 8. К.Ташев         | - Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети илмий ишлар бўйича проректори;   |
| 9. Т.Турсунмуротов | - Тошкент шаҳридаги Инха университетининг маънавият ишлари бўйича проректори;  |
| 10. Ф.Джалилов     | - Таълим муассасалари билан ҳамкорлик бўлими бош мутахассиси, Ишчи гуруҳ котиби*.  |

Изоҳ. Ишчи гурух аъзолари бошка ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига, ушбу лавозимларга янги тайинланган шахслар ёки зиммасига тегишли функцияларни бажариш юклangan шахслар киритилади, шунингдек, айrim масалалар доирасида Ишчи гуруҳ таркибига бошка мутахассислар жалб этилиши мумкин.

\*Ишчи гуруҳ котиби овоз бериш хукуқига эга эмас.

Ахборот технологиялары ва коммуникацияларини  
ривожлантириш вазирлугининг 2020 йил  
“605” декабрдаги 605-сон бүйргига  
3-ИЮВА

**Ахборот технологиялары ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги стипендиясига талаборлар  
кўрсаткичларини баҳолаш**

**ЖАДВАЛИ**

№	Ф.И.Ш.	Таълим муассасаси	Курси	Фанлардан баҳолаш 20 балл	Илмий- ижодий ва инновацион ишилари 35 балл	Умумий фаолияти 15 балл	Сертификат ва дипломлари 15 балл	Фахрий ёрликлари 10 балл	Хорижий тилларни билиш 5 балл	Жами
1.										
...										

**Изоҳ:**

“Фанлардан баҳолаш”: сўнги иккى семестрда фанлардан олган баҳоларининг ўртача миқдори 20 баллдан фоиз олиш билан хисобланади.

“Илмий-ижодий ва инновацион ишилари”: талаборларнинг илмий журналлардаги маколалари, маҳаллий ва хорижий конференциялардаги тезислари, ўқув-методик кўлланималардаги иштироклари, яратилган сайт, дастур, иловалар сони хисобланади хамда улар ичida энг кўп натижага эга номзода 35 балл берилади, колганлар камайиш тартибида сонига караб фоиз хисобланади (“Сертификат ва дипломлар”, “Фахрий ёрликлари” хам шундай тартибида хисобланади);

“Умумий фаолияти”: Ишчи гуруҳ томонидан талабор томонидан ёзилган эссе, унга берилган тавсиянома(лар), баҳолаш жадвалида кўзда тутилмаган бошқа ютуклари ва зуур холларда сухбат ўтказилиши мумкин;

“Хорижий тилларни билиши”: тил билиш малакасини кўрсатувчи халкаро тан олинадиган сертификат эгаларига 5 балл, чет тилидан факат “аъло” баҳо эгаларига 4 балл, колганлар Ишчи гуруҳ хулосасига кўра 1-3 балл билан баҳоланди.